14 йил

Mustaqil O'ZBEKISTON

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

34 (468)

2005 йил 24 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Енгил саноатда катта ислоҳот
▶ Роботда пўлат тулпорлар

3 ▶ "Энг яхши Эзоп"— энг ғайратли оқсоқол!
▶ Қатағон енголмаган эътиқод

4 ▶ Дарбанд дарасининг довруғи...
▶ Олтин тўйга омон етган оила

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2005 йил 26 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

● Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан

«Шарқ тароналари—2005»

УМРБОҚИЙ ОҲАНГЛАР

Самарқанднинг юраги — кўҳна Регистонда «Шарқ тароналари» V халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қизғин давом этмоқда.

Майдон ҳар галгидан гўзалроқ манзара касб этган.

Анжуман тадбирлари ўтадиган «Мўъжиза» амфитеатри, «Сўғдиёна» истироҳат боғи, уларнинг ён-атрофи, шаҳар кўчалари ранг-баранг чироқлар билан безатилди. Регистонда эса фольклор дасталари, санъаткорлар ҳамда таниқли созандалар анжуманда ижро этиладиган асарларига янада сайқал бермоқда.

— Мустақиллик миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш баробарида, уни бутун жаҳонга ёйиш имконини берди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов. — «Шарқ тароналари»нинг қисқа фурсатда анъанавий анжуманга айланиб, оммалашиб кетгани халқлар ўртасида дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Ҳар бир мусиқа анжуманида халқимизнинг ўлмас мероси — «Шашмақом» янги қирралари билан намоён бўлмоқда. Бу галги фестивалда ҳазрат Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларга кенг ўрин берилади.

— Фестивалда халқ чолғу асбоблари йўналиши бўйича чиқишларга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов. — Халқимизнинг қадимий созлари жарангидан дунё аҳли яна бир карра баҳраманд бўлади.

«Шарқ тароналари» V халқаро мусиқа фестивалида таниқли санъаткор ва ҳофизлар билан бирга иқтидорли ёшлар ҳам иштирок этиши айниқса эътиборга сазовордир.

А.ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

— Яна нима дейди?
— Бир сайр қилинг, ўзгаришлардан кўзингиз яшнайди, — дейди.

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРМОҚДА ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Умумхалқ байрами арафасида республика тўқимачилик тармоғида олтита янги қўшма корхона ва иккита ўқув маркази фойдаланишга топширилади.



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон тўқимачилик саноатида босқичма-босқич таркибий ўзгаришлар, техник модернизация ва корхоналарни қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда, янги қувватлар ишга туширилмоқда, хорижий инвестициялар фаол жалб қилинмоқда. Хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий асоси такомиллаштирилди, самарали бизнес юритиш учун шароит яратилди, зарур молиявий, моддий, техник ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имконияти соддалаштирилди.

Давоми 2-саҳифада

● Танловлар якуни

ЭНГ ФИДОЙИЛАР – ҒОЛИБ!

Ҳар йили юртимиз мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган "Ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли" ва "Маҳалла жонкуяри" кўрик-танловлари республика босқичлари ғолиблари аниқланиб, тақдирланиши яхши анъанага айланган.

Айни кунда ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда кўрик-танловларнинг ушбу йилги ғолиблари аниқланди.

Кўрик-танловни ўтказиш бўйича тузилган махсус комиссия ҳар бир вилоят босқичи ғолиби томонидан тақдим этилган ҳужжатларни атрофлича ўрганиб, қуйидагиларни танлов ғолиблари деб топди:

"Ибратли маҳалла оқсоқоли"

1-ўрин — Муҳитдин СОЛИЕВ, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги Работиқалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси;

2-ўрин — Убайдулла ҲАКИМОВ, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Н. Жўраев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси;

3-ўрин — Норгул МУСТАФОҚУЛОВА, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Чақар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Давоми 2-саҳифада

Ўзбекистон: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ

Умумхалқ байрами — мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида сўров ўтказди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар аҳолиси вакиллари иштирок этди. Сўровнинг мақсади истиқлол йилларида Ўзбекистон босиб ўтган йўл, жамият ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқларнинг жамоатчилик томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлаш эди.

Йилдан йилга фуқароларимиз орасида Ўзбекистон мустақиллигининг улкан тарихий аҳамиятини англаш туйғуси кучайиб бормоқда. «Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришларни қандай баҳолайсиз?» деган саволга сўралганларнинг мутлақ аксарияти «Қўллаб-қувватлайман» ва «Фахрланаман» деб жавоб берган. Аввалги сўровлардаги каби бугун ҳам жавобларда мустақилликнинг асосий ютуқлари сифатида мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг сақланиши (80 фоиздан ортиқ), Ўзбекистоннинг халқаро эътирофи (90 фоиз), жамиятда миллатлараро ва диний тотувлик (88 фоиз) ажратиб кўрсатилмоқда.

Жамият аъзоларининг катта қисми эътироф этадиган ютуқлар ҳақида гапирганда, одамлар истибдод йиллари маҳрум бўлган ҳуқуқ ва эркинликларнинг қўлга киритилиши асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, улар орасида давлат бошқаруви жараёнида фуқароларнинг иштироки даражаси юқорилиги (80 фоиз), инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши (75 фоиз), шу жумладан сўз ва фикр (76 фоиз), виждон ва диний бирлашмалар (90 фоиз) эркинликлари алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон фуқаролари учун иқтисодий фаолият эркинлигининг таъминланиши (70 фоиз), хусусий мулк, тадбиркор, фермер ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши (75 фоиз) ҳам жуда муҳим. Сўровнома саволларига жавоб қайтарганлар ҳам ҳар бир шахс, ҳам мамлакат учун бирдек муҳим бўлган бандларни ажратиб кўрсатди. Улар орасида — мамлакатимиз бозорини товарлар билан тўлдириш, ҳеч бир чекловсиз даромад қилиш ва хизмат пиллапоясидан кўтарилиш имконияти акс этган бандлар бор.

Сўровлар давомида шаҳар ва қишлоқлар қиёфасидаги ўзгаришлар, йўллар, коммуникациялар қурилиши, ижтимоий инфратузилманинг, айниқса қишлоқ жойларида, ривожлантирилиши, оиланинг мустаҳкамланиши, хотин-қизлар ва ёшларнинг фаол ва ижодий фаолияти, билимини ошириши учун шароит яратилиши, ишлаётган аҳолининг касб маҳорати ўсиши юқори баҳоланган.

Давоми 2-саҳифада

Сурхондарё вилояти

● Қишлоқда бунёдкорлик руҳи

РАБОТДА ЯНГИ РАБОТ

Қадимги буюк Бақтрия заминидан Буюк Ипак йўллари ўтган эди. Работ дегани шу карвон йўлларнинг бир қўналғаси. Йиллар ўтиб, асрлар ўтиб, Работдай қадим макондан нишона харобалар қолди, поёнқўрғону хилхона қолди. Бироқ замон яралибдики, одамзод пайдо бўлибдики, эскиси ўрнида янгиси бунёд бўлаверади...

Шаҳримизни соҳибкор боғлари, саховат тўла ерлари билан боғлаган Работ қишлоғи ва работликлар ҳақида ҳали кўп рисолалар ёзилар. Аммо бугунга келиб шу нарса аёнки, ҳамиша хотиржам, ўз меҳнати билан яшаётган шаҳарнинг Работ томон силжиши, Работда иккинчи Бойсуннинг яралишидир. Неча асрлар аввал карвонсарой вазифасини ўтаган Работ бугун яна қўноққа айланди. Қўноқ бўлганда ҳам бу ёғи Қашқаю Шошни боғлайди. Бу ёғи Сурхонгача...

Работликлар Юртбошимиз "Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон" темир йўл иншооти қурилишини бошлаш ҳақида сўзлаганида бир кун келиб Работда янги работ пайдо бўлишини билмасдилар ҳам. Фақатгина бир пайтлар бу макон карвонсарой бўлгани билан ғурурланардилар, холос. Мана энди фахрланишнинг иккинчи бир томони — кўз ўнгимизда оламшумул бунёдкорлик ишлари амалга ошди.

НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

уларнинг фаолияти ва тажрибаси эътирофга лойиқ

Маълумки, ушбу йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла жамғармаси республика бошқаруви ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Кўрик-танловдан кўзланган мақсад юртимиздаги фуқаролар йиғинларида мамлакатимиз Президентининг Фармони асосида жорий этилган лавозимда ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиларни аниқлаш ва уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришдан иборат бўлиб, кўрик-танлов Низоми "Mahalla" газетасида чоп этилганди. Айни кунларда кўрик-танловнинг шаҳарлар, туманлар ва вилоятлар босқичлари якунланиб, танловнинг республика босқичи ғолиблари ҳам аниқланди. Кўрик-танлов ташкилотчилари томонидан маслаҳатчи лавозими тизимда ҳали янгилик экани ва уларнинг фаолияти моҳиятини кенг оммага етказиш, уларни рағбатлантириш мақсадида бу йилги кўрик-танловда юртимиздаги ҳар бир вилоят босқичи ғолибини республика ғолиби деб тан олишга қарор қилинди. Шундай қилиб, қуйидаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари деб топилди:

Давоми 2-саҳифада

Спорт

ДАМИР – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида ҳарбий хизматчилар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтган жаҳон чемпионатида 19 мамлакатдан 150 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Ўзбекистонлик спортчилар орасида эркин кураш устаси Дамир Захардинов польшалик Кжиштов Рачковскини мағлубиятга учратди. Яна иккита беллашувда Жанубий Корея вакили Ин Хо Пак ҳамда туркиялик Ўзкан Охоткандан устун келиб, финалга чиқди.

Жаҳон чемпионатининг финалида ҳамюртимиз украиналик Валентин Хавиловга имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

"Маҳалла" жамғармаси Касби тумани бўлинмаси туман ҳокимлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказган "Маҳалла кунлари" тадбирида асосий эътибор истиқлолнинг ўзига хос аҳамияти, босиб ўтилган йиллар ичида эришилган улкан муваффақиятлар, мамлакатимизда олиб борилаётган инсонпаварлик сиёсати, огоҳлик, ҳушёрликни ошириш масалаларига қаратилди.

КАСБИДА "МАҲАЛЛА КУНЛАРИ"

Маърузалар, суҳбатлардан ташқари мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни кўпроқ кўргазмали воситалар, саҳна кўринишлари, қадимий анъаналар, куй-қўшиқлар ва бошқа маърифий тадбирлар орқали акс эттиришга эътибор берилди.

Тумандаги 16 та маҳалладаги кам таъминланган оилалар, уруш қатнашчилари ва ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олинди ҳамда совғалар улашилди.

"Мустақиллик менга — мен мустақилликка" шиори остидаги "Маҳалла кунлари" тадбири вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилди.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Венгрияда кучли ёмғир туфайли юзага келган сув тошқинлари ҳамон тўхтагани йўқ. Айниқса, Веспрем, Зала ва Шомод вилоятларида аҳвол оғир. Тураржой бинолари, мактаб ва шифохоналар, экин майдонлари сув остида қолди.

Табиий офат Балатон вилоятига ҳам жиддий зарар етказди. Хабарларга кўра, Шиофок ва Балатонфельдвар каби машҳур курорт шаҳарларда кўплаб биноларни сув босган.

Кузатувчиларнинг фикрича, табиий офат бу йилги ҳосилга путур етказиши, шунингдек, мактабларда ҳадемай бошланадиган янги ўқув йилини орқага суриши мумкин.

* * *

Германия канцлери Герхард Шрёдер Нобел мукофотига номзодлар рўйхатига киритилди. Немис ёзувчиси, Нобел мукофоти соҳиби Гюнтер Грасс шуни маълум қилди. Унинг айтишича, Германия ҳукумати раҳбари Ирокдаги урушга қатъий қаршилик кўрсатиш билан дунёда тинчлик ўрнатиш тарафдори эканини намоён қилди ва шундай дадил қадами учун ҳам у юксак мукофотга муносибдир.

Тинчлик учун Нобел мукофотининг бу йилги соҳиби 14 октябр куни аниқ бўлади.

* * *

Жазоирда ҳарбийлар ўн нафар жангарини йўқ қилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, айни чоғда мамлакатнинг тоғли ҳудуди - Медеа вилоятида террорчиликка қарши операция ўтказилмоқда. Ҳарбийлар «Ал-Қоида» билан алоқадор бўлган салофийлар гуруҳи вакилларини қўлга олишга киришди.

Операция давомида жангариларнинг ҳуфя базаси топилди. У ердан кўплаб курол-яроғ чиқди.

Жазоир матбуотининг ёзишича, ушбу гуруҳ амалга оширган қўпорувчиликлар оқибатида август ойининг ўзида олтмишга яқин одам қурбон бўлган.

* * *

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида тўрт қаватли бино қулаб тушди. Фалокат эрта тонгда рўй бергани учун ҳамма одам жон сақлаб қололмади. Хабарларга кўра, 10 киши ҳалок бўлган, 18 нафар киши жароҳатланган.

Ҳозиргача 47 киши қутқариб олинди. Вайроналар остида яна 12 киши қолган. Уларни қутқариш ишлари давом этяпти.

Мумбай шаҳри маъмуриятининг маълум қилишича, юз йил илгари қурилган бу кўҳна бино пойдевори емирилиб тамом бўлгани боис қулаб тушган.

ЎзА

Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги олдидан

«ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ИЧКИ БОЗОРНИ ТЎЛДИРМОҚДА ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тўқимачилик саноати ривожига янги туртки берди. 2005-2008 йилларда тўқимачилик саноатига инвестициялар жалб этиш дастури ҳам тасдиқланди.

Дастурга республика бўйича 94 та лойиҳа киритилган бўлиб, 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилиниши кўзда тутилган. Бу маблағлар корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, модернизация ва тўлиқ реконструкция қилиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш циклига эга корхоналар ташкил этишга йўналтирилади.

Бунинг самараси ўлароқ, 2005 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2,9 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,6 фоиз, экспорт ҳажми 7 фоизга кўпайди.

Бундан ташқари, ички истеъмол бозорини бойитиш ҳамда экспорт кўламини кенгайтириш мақсадида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акционерлик компанияси корхоналарида кўплаб янги турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 14 миллион погон метр газлама, 657 миллион дона тикувчилик-тўқимачилик маҳсулоти ва 1,6 миллион донадан ортиқ чинни буюмлар шулар жумласидандир.

Бундай натижага, асосан, қўшма корхоналар, шу жумладан ўтган йили ишга туширилган 17 та қўшма корхона ҳамда бу йил Наврўз байрами арафасида иш бошлаган 5 та янги объект фаолияти туфайли эришилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида хорижий инвесторлар иштирокида яна 6 та объект фойдаланишга топширилади. 23 август куни мамлакатимиз пойтахтида улардан бири — «АйДемир текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. У «Паризод» масъулияти чекланган жамият базасида ташкил этилди. Лойиҳанинг умумий қиймати — 17,5 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 7,5 миллиони — хорижий инвестор маблағи, қолгани «Асака» банки кредити ҳисобидан молиялаштирилган.

«АйДемир текстиль»нинг очилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимиз ва чет эл компаниялари, фирма ва банклар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби М.Керагез, «Демир групп» компанияси раҳбари О.Кеналикая, Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А.Зиё, шоир М.Мирзо, «АйДемир текстиль» қўшма корхонаси ходими Л.Мансурова мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Республикамизнинг турли ҳудудларида туркиялик ишбилармонлар билан бирга ташкил этилган янги қўшма корхоналар бунинг исботидир.

Қўшма корхонада ҳар йили 10 миллион жуфт пайпоқ, 5 миллион дона тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулоти, шу жумладан ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган эркаклар шортилари, футболкалари, поло-кўйлаклари ва бошқа кийимлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 800 киши иш билан таъминланади.

Юқори сифатли маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. Пайпоқларни «Russell Athletics» ва «Renfro» каби машҳур компанияларга етказиб бериш мўлжалланган. Тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари АҚШ ва Европа мамлакатларига юборилади. Ҳозирдаёқ «Fruit of the Loom», «Anjil», «Jacque» каби таниқли фирмалардан буюртма олинди.

Қурилаётган 6 та қўшма корхонадан 3 таси мамлакатимизнинг «Асака» банки кредитлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур лойиҳаларнинг ҳаммаси хорижий инвестициялар ва кредитларни тўғридан-тўғри, яъни республика ҳукумати кафолатисиз жалб этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Чунончи, инвесторлар маблағлари қарийб 49,4 миллион АҚШ долларини ёки объектлар умумий қийматининг 73 фоизини ташкил этади.

Корхоналарнинг ишга туширилиши янада кўпроқ йигирилган ип, матолар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради. Улар катта экспорт салоҳиятига эга. Аввалги йиллардан фарқли равишда 6 лойиҳадан 5 таси тайёр тикувчилик-тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу боис улар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, республика ички истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш ҳамда 2,8 минг киши, асосан хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Шаҳрисабз шаҳри марказидаги Номозгоҳ маҳалласида ҳар бир тадбир тадбиркорлар билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда ўтказилади. Йиғилишларнинг бирида маҳалладаги муаммолар кун тартибига қўйилганда йўлга асфальт ётқизишни Қаҳрамонжон Исмоилов ўз зиммасига олган бўлса, Малик Жўраев "Мен 50 ўринли чойхона қуриб бераман" деб маҳалладошлари кўнглини кўтарди.

ТАДБИРКОР — МАҲАЛЛАГА МАДАДКОР

Қатор савдо дўконлари, новвойхоналар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам тадбиркорларнинг ташаббуслари билан қад ростлади.

— Халқимиз "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" деб бежиз айтмаган, — дейди маҳалла оқсоқоли Бўри ака Холмуродов. — Гап кишиларнинг қалбига йўл топишда. Ҳали мен муҳим масала ёки муаммо кўтарилганда бирор кишидан "буни бажариш мушкул" деган эътирозни эшитганимча йўқ. Аксинча, кўз қўрқоқ, қўл ботир, айтаверинг, оқсоқол, дейишади. Маҳаллани қўкламзорлаштиришни қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Каримжон Остонов ўз зиммасига олган бўлса, уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилаларга баҳоли қудрат кўмаклашишда "Шаҳрисабзнон" ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодиржон Рустамов билан тадбиркор Собиржон Ортиқовлар катта ҳиммат ва ташаббус кўрсатишаяпти. Хуллас, тадбиркорлар билан ҳамжиҳатлик туфайли маҳалламиз тобора ободонлашиб, чирой очиб, аҳоли мамнун ва фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Э. ҚУРБОНОВ

Ўзбекистон: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон аҳлига ўз келажаги ва фарзандлари келажагига ишонч билан қараш имконини бермоқда. «Яқин йилларда ўзингизни ўйлантираётган муаммоларни ижобий ҳал этишингизга ишонасизми?» деган саволга сўралганларнинг 70 фоиздан ортиғи ижобий жавоб берди. Эртанги кунга бўлган ишончнинг юқорилиги ўтган йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий, молиявий ва маънавий жиҳатдан юксалганидан далолат беради. Аксарият (84,7 фоиз) яқин келажакда мамлакатимиз янада ривож топади ва фаровон бўлади, деган фикрда.

Президент Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатни республика аҳолиси юқори даражада ижобий баҳолайди. Мустақилликнинг 14 йили давомида жамоатчилик фикри сўровлари Ўзбекистон фуқароларининг давлатимиз раҳбарига ишончи юксаклигини қайд этмоқда. Сўралганларнинг мутлақ кўпчилиги (жорий йилда 92,8 фоиз, 2004 йилда — 91,2 фоиз, 2003 йилда — 91 фоиз) Президентимизни барқарорлик, мустақилликнинг мустаҳкамланиши ва мамлакатимиз олдида турган муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилишининг бош кафолати деб ҳисоблайди.

Тадқиқот давомида фуқаролар, айниқса ёшлар - аҳолининг энг фаол ва ишчан қисми орасида ўз-ўзини англаш туйғуси ортиб бораётгани кўзга ташланди. Ёш авлод тафаккурига миллий мустақиллик ғояси, мамлакатнинг янада ривожланиши учун демократлаштириш, ошкоралик, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг муҳимлигини англаш ҳисси чуқур сингиб бораётгани намоён бўлди.

Айни пайтда тадқиқот мустақил давлатимиз хавфсизлигига бўлган асосий таҳдидларни кўрсатиб берди. Улар орасида террорчилик ва диний экстремизм алоҳида қайд этилган.

Сўралганларнинг аксарияти — 98,4 фоиз — Андижондаги жиноий ҳаракат ташкилотчилари ва ижрочиларини кескин қоралади ва мамлакатимиз раҳбарияти томонидан террорчилик, диний экстремизм ва давлатга қарши фаолиятга нисбатан кураш олиб бориш борасида кўрилаётган чораларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Байрам арафасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари Ўзбекистон танлаган ривожланиш йўлининг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлади. Жавоблар Президентимиз томонидан юритилаётган сиёсатни аҳоли тўлиқ қўллаб-қувватлашидан далолат беради. Бу сиёсат демократик ҳуқуқий давлат, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этишга қаратилган бўлиб, тарихан қисқа даврда улкан ютуқларга эришиш имконини берди.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

Қишлоқда бунёдкорлик руҳи

Сурхондарё вилояти

РАБОТда ЯНГИ РАБОТ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Работнинг поёнида қад кўтарган "Бойсун" темир йўл вокзали ўрнида бир пайтлар асрий тепаликлар ястаниб ётарди. Бугун эса тепаликлар ўрнида муҳташам гўзал бекат биноси қад кўтарган. Қадимги карвон йўллари бўйлаб босилган излар Бойсунни Қумқўрғон билан боғлади. Бойсунга ўн битта вагонни тиркаб поезд келди. Ўтган йилнинг октябрида тендер савдосида ютган Чинознинг "Қурувчи" масъулияти чекланган жамияти бу томонга ўн нафарга яқин қурувчи ва бешта техника билан етиб келиб, иш бошлаган эди. Бунёдкор аёл Фарида Муҳаммадиева раҳбарлигида текислаш, тупроқ ишлари қариийб бир ой давом этди. Бойсунлик уста Бахтиёр бошлиқ қурувчилар пойдевор ва бир қисм ғишт териш юмушларини амалга оширдилар. Ражаб Хурсандов раҳбарлигидаги иккинчи бунёдкорлик бригадаси ҳам ёрдамга етиб келди. Кейинчалик турли ишларга Қўқон, Қарши, Тошкент, Самарқанд, Шеробод томонлардан бунёдкорлар жалб этилди. Шунингдек, Бойсундан 110-автокорхона, Бойсун МКЖ, "Агротранс" корхоналарига қарашли транспортлар ҳам бу ишга йўлланди.

Р.Хурсандов бошлиқ қурувчиларнинг ишлари ҳам эътирофга сазовор бўлди. Дурадгор Шамсиддин Жиянов, пайвандловчи Ғайрат Раҳмонов, ёш уста Элмурод Хурсандовлар қишнинг совуқ кунларида ҳам тер тўкиб меҳнат қилдилар. Ниҳоят қиш чиқар маҳал бино қурилиши тугаб, пардозлаш ишлари бошланди. Самарқандлик усталар, айниқса иш юритувчи Тоҳир Бекбоев, саркор Садриддин Сафаров, қурувчилар Абдуқодир Раҳматуллаев ва Одилбек Сафаровлар феврал ойидан то темир йўл ишга тушгунга қадар минг квадрат метрдан кўп ҳудудда мармарлаштириш юмушларини бажардилар. 400 метрлик перонга жило беришни ҳам улар ўз зиммаларига олишди.

"Триада-Сервис" фирмасининг икки бригадаси чордоқ атрофига темир тунукалар ўрнатиш ва кавшарлаш, деворларни безаш билан машғул бўлган бўлса, Алберт Файзираҳмонов, Сергей Югай, Анатолий Смирнов, Райил Хаберн, Константин Шогелев, Дмитрий Акционовлар Бойсун вокзали қиёфасига шарқ анъаналари, замон руҳини сингдириш ишларини маромига етказиб бажардилар.

Айни баҳор палласи, бир йўла темирйўлчилар бекатнинг олд томонида темир излар қўйишни ниҳоясига етказдилар. У томондан Кофрунгача етиб келган темир излар бу томондагиси билан боғланди. Қарабсизки, Қумқўрғон — Работ темир йўллари очиқ.

Ҳа, Бойсунда бунёд этилган муҳташам иншоот, қадим карвон йўллари бўйлаб ётқизилган пўлат излар истиқлолнинг буюк туҳфаси, замондошларимизнинг орзулари рўёби бўлди. Ўз навбатида бу муҳим янгилик работликлар ҳаётида катта ўзгаришлар ясади. Айни пайтда Работ қишлоғи ўрнида мўъжаз шаҳарча бунёд этилган. Ундаги аҳоли яратувчанлик, бунёдкорлик кайфияти билан яшамоқда. Қолаверса, янгидан қатнови йўлга қўйилган пўлат тулпорлар одамларнини бир-бирига яқинлаштираётир, кўнгилларни боғламоқда.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

Танловлар якуни

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

ЭНГ ФИДОЙИЛАР — ҒОЛИБ!

Кўрик-танлов шартларига кўра, андижонлик Оминахон РАЗЗОҚОВА (Булоқбоши туманидаги Янгиариқ маҳалласи), наманганлик Муҳаммадвали ОТАҚЎЗИЕВ (Уйчи туманидаги Соку маҳалласи), сурхондарёлик Нигора ХОЛМАТОВА (Термиз шаҳридаги Учқун маҳалласи), фарғоналик Раҳмонберди МАВЛОНОВ (Сўх туманидаги Янгиариқ маҳалласи), пойтахтдан Мақсудхўжа Азимхўжаев (С.Раҳимов туманидаги К.Ғафуров номли маҳалла) ва Тошкент вилояти Бўка туманидаги Наврўз маҳалласи оқсоқоли Турсуной ТОШЕВАлар рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

"Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли"

1-ўрин — Хайрулла МЎМИНОВ, Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги Чиғатой-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси;

2-ўрин — Жумабой МАДАМИНОВ, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Бўстон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси;

3-ўрин — Маҳамаджон ИСМОИЛОВ, Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги Ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Шунингдек, ушбу кўрик-танловда бухоролик Гулсум ҲАСАНОВА (Бухоро шаҳридаги Жўбор маҳалласи), наманганлик Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ (Наманган шаҳридаги Истиқлол маҳалласи), сурхондарёлик Холмўмин ЖУМАЕВ (Термиз шаҳридаги Темирйўлчи маҳалласи), қашқадарёлик Курбонжон ҲАМИДОВ (Китоб туманидаги Ҳ.Олимжон номли маҳалла), фарғоналик Тўланбой САТИМОВ (Учқўприк туманидаги Бешкапа маҳалласи) ва Валерий ШУЛЬМИСТЕР (Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Чинор маҳалласи)лар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор деб топилди.

"Маҳалла жонкуяри"

1-ўрин — Феруза ХОЛМИРЗАЕВА, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Жайхун маҳалласи фаоли;

2-ўрин — Ўролой ҲУСАНОВА, Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги Қоражон маҳалласи фаоли;

3-ўрин — Зокиржон БОДИРОВ, Наманган вилояти Наманган шаҳридаги Халқлар дўстлиги маҳалласи фаоли.

Шунингдек, андижонлик Муроджон ТОЖИБОЕВ (Улуғнор туманидаги Шаҳриобод маҳалласи), бухоролик Хайрулла АБДУЛЛАЕВ (Олот туманидаги Бўстон маҳалласи), самарқандлик Абдузоир ЗИЁЕВ (Ургут туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалиги), қашқадарёлик Зикриё АСРОРОВ (Қарши шаҳридаги Булғон маҳалласи), фарғоналик "Mahalla" газетаси вилоят мухбири Қодирали ШОДМОНОВ ва Тошкент вилояти Тошкент туманидаги Чоштепа маҳалласи маслаҳатчиси Ёқутхон МЎМИНОВАлар "Маҳалла жонкуяри" кўкрак-нишонига муносиб топилдилар.

НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

уларнинг фаолияти ва тажрибаси эътирофга лойиқ

Санобар Садирова — Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Тошпўлат Ҳамидов номли маҳалла маслаҳатчиси; Мойра Козимова — Бухоро вилояти Жондор туманидаги Ушот маҳалласи маслаҳатчиси; Фазилат Насриддинова — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Ғовазон маҳалласи маслаҳатчиси; Муборак Қаршибоева — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Қайтмас маҳалласи маслаҳатчиси; Дилбар Ўринова — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Лағмон маҳалласи маслаҳатчиси; Жумагул Юнусова — Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Беруний маҳалласи маслаҳатчиси; Раъногон Мадраҳимова — Андижон вилояти Хўжаобод шаҳридаги Гулистон маҳалласи маслаҳатчиси; Қандолат Мираҳмедова — Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла маслаҳатчиси; Сарвара Мавлонова — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Улуғбек номли қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Навбоғчиён маҳалласи маслаҳатчиси; Ирода Собирова — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Усмон Юсупов номли маҳалла маслаҳатчиси; Инобат Дадабоева — Сурхондарё вилояти Жарқўғон тумани Минор қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Алишер Навоий номли маҳалла маслаҳатчиси; Жамила Аҳмедова — Фарғона вилояти Марғилон шаҳри Гўриаввал маҳалласи маслаҳатчиси; Шакаржон Худойберганова — Хоразм вилояти Хазорасп тумани Ш.Рашидов номли маҳалла маслаҳатчиси; Дилором Ҳайдарова Тошкент шаҳри Сергели туманидаги Жомий номли маҳалла маслаҳатчиси.

МУХБИРИМИЗ

Тўйхат ўрнида

МАҲАЛЛАГА ФИДОЙИ САНЪАТ УСТАСИ

У табаррук 70 ёшида ҳам жамият равнақига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда

...1967 йилда Ҳамид Олимжон номли Самарқанд драма театрида Г.Фигейредонинг "Эзоп" асари саҳналаштирилган, Таъна-берди Қурбонов ижро этган асар бош қаҳрамони — Эзоп образи ўша даврдаги "Иттифоқ миқёсида саҳнада энг яхши талқин этилган Эзоп образи" деб топилган эди. Ўшанда Таъна-берди аканинг Тошкент театр ва рассомчилик институти драма ва кино актёри факультетини тугатиб, театрда ишлай бошлаганига бор-йўғи икки йил бўлганди холос.



Бундан ташқари, иттифоқнинг марказий шаҳарлари театрларининг машҳур артистларидан бундай мукофотни "тортиб" олиш ҳазил гап эмасди. Хуллас, ўшанда Таъна-берди аканинг "Эзоп"и довруғи собиқ иттифоқнинг ҳар бурчига етганди. Буни қарангки, неча ўн йиллардан сўнг ўша машҳур "Эзоп"ни кўришга муяссар бўлдим. Ана шунда ўша мукофотнинг собиқ иттифоқ миқёсида чекка ҳудуд саналган Самарқанд вилояти театрининг ёш актёрига берилгани тасодифан юз бермаганига ишондим. Бундан бир неча йил аввал таҳририят ходимлари Таъна-берди ака билан Самарқандда, у кишининг вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатидаги фаолияти хусусида суҳбатлашардик. Раис тизим ишини ташкил қилишдаги ютуқлари ҳақида қанчалик ифтихор билан сўзласа, ишга халақит бераётган муаммолар ҳақида ҳам шунчалик жон куйдириб сўзлади. Лекин унинг сўзларида нолиш оҳанги сезилмас, аксинча, муаммоларни ҳал этишга, вилоят маҳаллалари ишини намунали йўлга қўйишга астойдил бел боғлаганлиги аён эди. Суҳбат якунида кимдир Таъна-берди аканинг театр арбоби сифатидаги фаолиятидан сўз очди, "Эзоп"нинг довруғини ёдга олди. Шу қаҳрамон монологидан ижро қилиб беришини илтимос қилди. Таъна-берди ака рози бўлди. Шунда... мўъжиза юз берди. Мен бу ҳолатни таърифлашга бошқа сўз тополмадим. Бир-икки дақиқа ўтар-ўтмас қаршимизда қадим қаҳрамони Эзоп намоён бўлди-қўйди. Бунгача немис ёзувчиси Иоахим Шедлихнинг "Унга забон ато эт. Масалчи Эзопнинг ҳаёти ва ўлими" асарини мутоалаа қилгандим, Эзоп тақдирини бироз бўлса-да билардим. Лекин ўшанда, мен унинг асл қиёфасини кўрдим, қашшоқ қул бўлса-да кўнгли гўзалликка ошуфта, фикрлари тиниқ ва теран, сўзлари кескир ва салмоқли бўлган Эзопни кўрдим. Унинг қиёфаси дам истеҳзоли кулгудан қийшайиб буришса, дам ўз хожасига тап тортмай қўлларини сермаганча хитоб қилаётган жасоратли қулга айланди. Қаршимиздаги Эзоп — файласуф-қул, ҳаётнинг буюк ҳақиқатларини англамай, майда-чуйда ташвишлар ботқоғига ботиб қолган бойваччалар фожеасидан ҳам йиғлади, ҳам кулди, юрагини ўртади, изтиробга тушди. Санъаткор талқинидаги "Эзоп" бир вақтнинг ўзида ҳам бўрондек шиддатли, ҳам беозор майсадек ҳокисор эди... Ижрочининг ўз қаҳрамони билан руҳий бирдамлиги ва ижодкорнинг ўзига нисбатан ўта талабчанлиги туфайли яралганди бу мўъжиза...

Таъна-берди Қурбоновнинг Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатгач, театр санъатига меҳр-эътиқоди зўрлигидан Тошкент театр ва рассомчилик институти талабаси бўлгани, 1964-70-йилларда Ҳ.Олимжон номли Самарқанд драма театрида етакчи актёр, 1970-1995 йилларда, қарийб 25 йил ушбу театр директори ва бадиий раҳбари бўлиб меҳнат қилганини кейинроқ билдим. У киши театр саҳнасидаги 30 дан ортиқ образларнинг маҳоратли ижроси, театр арбоби сифатидаги фаолияти учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", "Ўзбекистон халқ артисти" деган унвонларга сазовор бўлган. 2000 йилда эса Таъна-берди ака шахсан Президентимиз томонидан юртимизнинг энг юксак унвонларидан бири "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Таъна-берди аканинг кейинги беш йил давомида вилоят Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси сифатидаги фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. У киши театрда ўз ижросидаги машҳур образлар талқинига қанчалик шижоаткорлик, фидойилик билан киришган бўлса, маҳалла тизими ишига ҳам ундан-да катта ғайрат-шижоат, салоҳиятини сарфлаб келмоқда. Бу жонкуярлик, сафарбарлик натижаси ўлароқ кейинги йилларда Самарқанд маҳаллалари тизим фаолиятининг барча йўналишлари бўйича юртимизда энг илғорлар сафини бошқармоқда. Вилоят маҳаллалари газетамизга обуна бўлиш борасида юртимизда энг пешқадами эканидан эса айниқса, биз — таҳририят ходимлари беҳад қувонамиз. Бу ишларни амалга оширишда Таъна-берди аканинг қатъиятлилиги, талабчанлиги, энг муҳими, эл равнақи ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш истаги, одамларга чексиз меҳри куч-қувват бағишлаётгани шак-шубҳасиз. Қолаверса, катта санъаткор феълидаги ўша "Эзоп"даги каби чўрткесарлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрисўзлик боис атрофдагилар у кишига ҳурмат кўзи билан қарайдилар, "Умрингиз зиёда бўлсин, оқсоқол" дея эъзозлайдилар.

Бугун Таъна-берди Қурбонов 70 ёшни қаршилади. Очиғи, бу ёшни юбиляримиз каби жўшқин фаолият қучоғида, катта масъулият залвори остида қарши олаётган инсонга кўпчилик ҳавас қилади. Оқсоқолимиз эса шу табаррук ёшида ҳам кўпнинг корига яраб, умум иши ривожи учун қайнаб-жўшмоқда. Унинг маҳаллалар ишини ривожлантиришга ижодий ёндошишини ҳисобга олиб, қайноқ қалбли катта санъаткор ҳамон ижод қилмоқда, десак ҳам ўринли бўлади. Буюк ёзувчи Лев Толстой "Эзгу иш доимо кучли ҳаракат орқали амалга оширилади, аммо ана шу ҳаракат бир неча маротаба такрорланса — у одатга айланиб қолади" деган экан. Эл, юрт равнақи учун куйиб-ёниб яшаш Таъна-берди ака каби замондошларимиз учун кундалик одатга айланиб қолган. Элга сидқидил хизмат қилиш шубҳасиз, дунёдаги энг эзгу ишдир.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Хоразм вилояти

... Бундан саккиз йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан сўзлаган нутқида Хоразмда фаолият кўрсата бошлаган илк академия — Маъмун Академиясини қайта ташкил этиш зарурлигини эътироф этган эди. Орадан кўп ўтмасдан — 1997 йил 11 ноябр куни шу ҳақдаги Фармонга имзо чекилди. Бу бутун Ўзбекистон илм аҳли ҳаётида унутилмас, оламшумул воқеа бўлди.

МЕВАСТОНДАГИ АКАДЕМИЯ

— Хоразм Маъмун Академияси айнан бизнинг маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатаётганидан мамнунмиз, — дейди Хива шаҳридаги Мевастон маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Иноят Отабоев. — Шу муносабат билан маҳалламиз ҳудуди янада обод, гўзал, ораста бўляпти. Янги хиёбон, боғ, гулзорлар барпо этилди. Амфитеатр ҳам ишга тушади. Яқинда маҳалламизга бир гуруҳ олимлар ташриф буюришиб, Маъмун Академиясининг ўтмиши, бугуни, келажаги ҳақида ёшларимизга, маҳалладошларимизга сўзлаб беришди. Бу тадбир маҳалламиз ёшларида катта таассурот қолдирди.

Айни кунда Хоразм Маъмун Академияси жойлашган Мевастон маҳалласи аҳлининг қувончлари чексиз. Ахир яқин орада бу маҳалла дунёнинг юздан ошиқ мамлакатидан келган нуфузли меҳмонларга қучоқ очади.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Фарғона вилояти

МАСЛАҲАТЧИ – ТАРБИЯЧИ ҲАМДИР

Гулнорахон Ҳайдарованинг Бешариқ туманидаги Навқат маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида иш бошлаганига бир йил бўлди.

Маҳалла ишидан яхши хабардорлиги, одамлар билан ишлашда катта ҳаётий тажрибага эга эканлиги ва изланувчанлиги туфайли у янги лавозим вазифаларини ҳам тезда ўзлаштирди. Бугунги кунда маҳалладаги барча тадбирлар унинг маслаҳати ва иштирокида бўлади. Ўзи иқтисодчи бўлгани учун ҳар бир тадбирни иқтисодий томондан мукаммал ўрганади ва қизиқарли, ихчам қилиб ўтказишга ҳаракат қилади.

— Илгарилари маҳаллада ўтадиган баъзи тўйлардаги дабдабабозлик ва исрофгарчиликни кўриб ажабланардим, — дейди у. — Маслаҳатчи лавозимига тайинланган кунимдан бошлаб тўйлардаги ортиқча дабдабабозликларга барҳам бериш лозимлигини маҳалладошларимга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Президентимизнинг бу борадаги махсус Фармони, республика "Маҳалла" жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитасининг шу ҳақдаги тавсиялари ҳамда республикаси Мусулмонлар идорасининг фатво талаблари дастуриамал бўлди. Бундан ташқари, тизимимиз нашри — "Mahalla" газетаси саҳифаларида берилаётган ибратли, таҳлилий мақолалар ҳам фаолиятимда катта кўмак беряпти.

Маҳаллада Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандларни тарбиялаш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда йиғин қошида махсус комиссия тузилган. Комиссия таркибида энг фаол аёллар, тиббиёт ходимлари жамланган.

Изланувчан ва ташаббускор Гулнора Ҳайдарованинг иш фаолияти вилоят миқиёсида ўтказилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар кўрик-танловида юқори баҳоланди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *маслаҳатчи Г.Ҳайдарова маҳалладошларидан ҳол-аҳвол сўрагани келди.*

Олам турфа

ҚАДИМДА ҲАМ СПОРТЧИЛАРГА КЎП ПУЛ ТЎЛАНГАН

Калифорния университитининг мутахассиси Дэвид Янг шу пайтгача ҳеч ким ўрганмаган ишни ўрганишга бел боғлади ва бунга эришди ҳам. У кўпгина тарихий манбаларни кўздан кечириб, қадимда спортчиларнинг "гонорар"лари қанча миқдорда бўлганлигини билишга мушарраф бўлди. Маълум бўлишича, қадимги Римда спорт "юлдуз"ларининг бир йилги даромади ҳозирги пул билан ҳисоблаганда 170000 доллар атрофида бўлган экан.

ТЎП ТЕЗЛИГИ СОАТИГА 100 КМ.

Ҳаммамиз волейбол ўйнаймиз, лекин тўпнинг оғирлигини билмаймиз. Одатда волейбол тўпининг оғирлиги 260-280 грамм бўлади. Кучли волейболчилар тўрдан анча баланд сакраб, рақиб томонга тўпни шундай зарб билан урадики, тўпнинг тезлиги соатига 100 км. гача етади.

ҚОИДАНИ БУЗМАСЛИК ҮЧҮН

Лондондаги спорт музейида беворсита футболга тааллуқли иккита олтин танга сақланади. 1863 йили Англияда футбол ўйини вақтида тўпни қўл билан ушлашни таъқиқловчи янги қоида жорий этилди. Шефилд шаҳри командаси устози ўйингоҳга тушиш олдидан ҳар бир футболчининг иккала қўлига қисилган тангалар спортчиларга тўпни ушлашга йўл қўймасдан, ўйин қоидасини бузмасликка ёрдам бераркан.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Маҳалла ва саломатлик

ОИЛА ҲАМШИРАСИ

тиббиёт ходимлари орасида бундай атама оммалашиб бормоқда

Халқимиз "Эл соғлиги — юрт бойлиги" деб бежиз айтмаган. Зеро, одамлари ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлган юртнинг келажаги ҳам шубҳасиз буюк бўлади. Мана Сиҳат-саломатлик йилининг ярми ортда қолди. Ўтган вақт мобайнида жойларда мазкур йил номи билан ҳамоҳанг бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланиб, уни амалга ошириш борасида изчил ишлар олиб борилаяпти.

— Айни пайтда Қўрғонтепа туманида яшовчи 113 минг нафар аҳолига 5 та шифохона, 1 та шифоатхона ва 18 та қишлоқ врачлик пунктлари хизмат кўрсатмоқда, — дейди туман марказий шифохонасининг бош шифокори Нўъмонжон Мўминов. — Уларда фаолият олиб бораётган 200 дан ортиқ шифокор, 800 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат қилиб туманимиз аҳолисининг саломатлигини таъминлашга ҳисса қўшаяпти.

Маълумки, замонавий тиббиёт муассасаларисиз, энг янги технологик воситаларсиз тиббий хизматнинг сифат даражасини юксалтириш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам туманда марказий шифохонани, қишлоқлардаги врачлик пунктларини янги замонавий бинолар билан таъминлаш, уларни энг янги тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йиллари марказий шифохонанинг янги тез тиббий ёрдам бўлими ишга туширилди. "Чорвадор", "Дардоқ", "Хонобод", "Фозилмон", "Султонобод" ҳамда Навоий номли ширкат хўжаликлари ҳудудида қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди. Айни кунларда яна икки жойда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида тумандаги барча уруш ва меҳнат фахрийлари биринчи навбатда тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳозир туғиш ёшидаги аёлларнинг кўриги ниҳоясига етмоқда. Ўсмирларнинг кўриги ҳам қизғин олиб борилаяпти. Кўрик натижалари бўйича фуқароларни даволаш ҳамда профилактика қилиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган бепул йўлланмалар олиш учун 300 нафардан ортиқ қишлоқ аҳолисига тавсияномалар берилди. Ҳозир бундай фуқаролар водийнинг энг гўзал Чимён, Чортоқ, Косонсой каби дам олиш ҳудудларида жойлашган сиҳатгоҳларда муолажа олмоқдалар.

Ўзбекистон қай бир соҳада бўлмасин жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини ўзлаштириб, мамлакат ҳаётига татбиқ қилмоқда. Туманнинг малакали ҳамшираларидан бири Оқибатхон Маллабоева Исроил давлатида бўлиб, "Оила ҳамшираси" услуби бўйича иш ўрганиб қайтди.

Бу усул ҳамширадан кўп билим ва малака талаб қилади. Кўп ҳолатларда ҳамширанинг ўзи беморга ташҳис қўяди ва уни даволайди. Агар хасталик мураккаброқ ташҳис қўйишни талаб этса, ҳамшира шифокорга мурожаат этади. Оқибатхон ана шу янги усулни Ижтимоиёт қишлоқ врачлик пунктида мувафаққиятли қўлламоқда. Унинг бу соҳадаги илк тажрибалари вилоятдаги ҳамкасблари орасида оммалашмоқда.

Албатта, ҳар бир соҳанинг ўз фидоий кишилари бўлади. Қўрғонтепа тумани шифокорлари ҳақида гап кетганида "Соғлом авлод" ордени соҳиби, марказий шифохона туғруқ мажмуаси бошлиғи Мамлакатхон Мақсудохунова, Ижтимоиёт қишлоқ врачлик пункти мудираси Наргиза Бозорова, марказий поликлиника ички касалликлар шифохонаси бўлим бошлиғи Баҳодиржон Қорабоевлар номи фахр билан тилга олинади. Улар бошчилигида бугун туманда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Зеро, "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ана шундай фидоий инсонларнинг хизмати катта.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

31 август — Қатавон қурбонларини ёд этиш куни

ҲУСАНХЎЖА ОТА ВА УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ҚИСМАТИ

Шерали ТУРДИЕВ

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Ҳусанхўжа отанинг қамоқдаги бу ҳолатини кузатган шифокор 1938 йил 13 августда унинг бундан кейин терговда мутлақо қатнаша олмаслиги, қамоқхона касалхонасида даволанишга муҳтож бўлиб қолганлиги ҳақида справка беради.

Шундан сўнг ҳам Ҳусанхўжа ота тергов ҳолатидан қутулмаган. Фақат орадан 24 кун ўтгач, (яъни 1938 йил 19 сентябрда) отанинг қамоқдаги касалхонада вафот этгани муносабати билан тузилган тиббий акт синчковлик билан ўрганиб чиқилгандан кейингина тергов иши тўхатилсин, деган қарорга келинди.

Бошқача қилиб айтганда, қамоқхона касалхонасида не азоб-уқубат, қийноқлар остида вафот этган Ҳусанхўжа ота ўлимидан сўнг ҳам бир неча кун тергов ҳолатида бўлган. Яъни, марҳум маҳбус НКВД жаллодларидан ўлиб ҳам қутулмай юрган. Бундан ташқари, унинг оила аъзолари отани қутқариб қолиш учун ҳеч қаердан нажот тополмаганлар. Бу ҳақда мурожаат қилиш учун юрак ютиб бирор ерга боришга бетламаганлар. Бу ҳам етмагандай уруш даври қийинчиликлари ва урушдан кейинги ғоявий-синфий ҳушёрликни ошириш баҳонасида партиявийлик йўлидан тойганларни фош қилиш васвасалари бошланиб кетади. Бунинг орқасида 40-йиллар охирлари ва 50-йиллар бошларида советларга қарши революция душманлари, миллатчи деган сиёсий айблар билан отанинг ўғиллари Имомхон ва Саидаҳмад ака Ҳусанхўжаевлар ҳам бегуноҳдан-бегуноҳ 10 йилга қамоқ жазосига тортиладилар. Уларни тергов қилган "устомон" терговчилар оталари марҳум Ҳусанхўжа отанинг қамалиши сабаблари ҳақида саволларга тута бошлайдилар.

Савол: — 1938 йилда отангиз нима учун қамалган эди?

Жавоб: — Мен отамнинг жиноий ишлари ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Савол: — Уни суд қилишганми?

Жавоб: — Билмайман. У қамалгандан кейин 6 ой ўтгач, онам мени чақириб, (мен 1927 йилдан бери ота-онамдан бўлиниб алоҳида яшардим) отамнинг Тошкентдаги қамоқхонада вафот этганлини айтдилар.

Савол: — Отангизнинг мол-мулки мусодарага учраганмиди?

Жавоб: — У қамалгач, мол-мулки тортиб олинмаганди. Нега бундай бўлганлигини билмайман. Лекин унинг отаси Дадахўжа бувамлардан қолган уй отам қамалгунга қадар тортиб олинган эди.

Шундай қилиб, СССР Давлат Хавфсизлик комиссарлигининг 1950 йил 14 октябрдаги қарорида Имомхон ака Ҳусанхўжаев советларга қарши бўлган миллатчи гуруҳлар иштирокчиси ва тарғиботчиси деган айб билан ўн йилга Омский шаҳридаги меҳнат лагерига сургун қилинади. Бу ҳам етмагандай 1950 йил 10 майда Ҳусанхўжа отанинг кенжа ўғли бўлган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев ҳам шунга яқин сиёсий айб билан қамалади, уйи тинтув қилинади. Саид Аҳмад ака Ҳусанхўжаевни 1950 йил 28 июлдаги НКВД терговчисига жавобларидан:

"Савол: — Сизнинг акангиз Имомхон Ҳусанхўжаев 1949 йил 28 ноябрда бўлган тергов вақтида отангиз ва бобонгизни революциягача Тошкентда бир неча бозорларнинг хўжайини ва хусусий озиқ-овқат магазини эгаси бўлганлиги, унинг 1927 йилда мусодара этилиб, давлат фойдасига ўтказилганлиги ҳақида кўргазма берган эди. Сиз ушбу кўргазмани тасдиқлайсизми?

Жавоб: — Тўғри, отам ўтмишда Тошкентнинг таниқли савдо кишиларидан бири бўлиб, шаҳардаги бир неча бозорларнинг хўжайини, шунингдек, хусусий магазин эгаси экан. Самарқанд дарвозадаги икки қаватли уй, катта мевазор боғ, бурун отамга қарашли бўлган, сўнг 1927 йил отамнинг мол-мулки мусодара қилингач, у ҳам тортиб олинган, ҳозир у ерда 10-болалар уйи жойлашган.

Савол: — Отангиз нима учун қамалган?

Жавоб: — Отам НКВД органлари томонидан 1937 йил советларга қарши миллатчиликдаги фаолияти учун деган айб билан қамалган экан. Тергов пайтида қандай конкрет айблар билан айблашганини билмайман..."

.... СССР Давлат Хавфсизлик комиссарлиги қошидаги махсус мажлиснинг 1951 йил 27 январ қарори бўйича Саидаҳмад ака Ҳусанхўжаев ҳам 10 йил қамоққа ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Қозоғистоннинг Жезқазғон деган ерига жўнатилади.

Сталин вафотидан сўнг, 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш учун ҳаракатлар таъсири остида бегуноҳ репрессия қурбонлари ишини қайта кўриш бошланади. Ҳусанхўжа отанинг оила аъзолари, жумладан, отанинг рафиқаси, кекса Зулфия ая қамоқдаги ўғиллари ишини қайта кўриб чиқиш ҳақида давлат ҳуқуқий органларига мурожаат қила бошлайди. Зулфия аянинг 1954 йил 27 августда бу ҳақда СССР Бош ҳарбий прокурорига берган аризасидан сўнг бир неча ой ўтгач, 1954 йил 6 декабрда Имомхон Ҳусанхўжаев қамоқдан озод қилинади. Шундан кейин Ҳусанхўжа отанинг ўғилларидан Тошкент ирригация институти ўқитувчиси Зуҳур Ҳусанхўжаев 1957 йил 25 дакабрда Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик комитети раисига 1938 йил бошларида қамалган отасининг ишини қайта кўриб чиқишларини ва унинг айблари йўқлиги учун оқлашга кўмаклашишларини илтимос қилиб ариза беради.

Шунга қарамасдан собиқ шўро НКВДсининг ҳушёр ходимлари уни қамоқда терговдан сўнг ўлиб, иши тўхатилганлигига қарамай, яна эски айбларини ковлаштириб, у билан аввалари бирга ишлашган Лазиз Азиззода, Азиз Ўразаев каби айрим эски танишларини чақириб сўроқ қила бошлайдилар. Жумладан, 1958 йил 9 майда Ўзбекистон Давлат хавфсизлик комитети катта лейтенанти Бектемиров Тошкентда САНИИРИ таъминот бўлими бошлиғи бўлиб турган Азиз Абдураҳмонович Ўразаевни бу ҳақда саволга тута бошлайди. Азиз Ўразаев Ҳусанхўжа отанинг 1924 йилдан бошлаб, Туркистон қишлоқ савдосида ишлаганидан бошлаб билишини, мазкур идоранинг Каттақўрғондаги вакили сифатида Тошкентга келганида бир неча бор мулоқотда ва меҳмонда ҳам бўлганлигини айтади. Улар бунга ҳам қаноат қилмай орадан бир неча ой ўтгач, 20-йилларнинг ўрталаридаёқ қамалиб, 25 йил ўтгачгина Узоқ Сибирь сургунларидан ўлмай қайтиб келган таниқли кекса шарқшунос олим Лазиз Азиззодани гувоҳликка чақиришади. Лазиз Азиззода ҳам Ҳусанхўжа акани 1917 йилдан бошлаб жамоат ишларида, 1917-1919 йиллар шаҳардаги озиқ-овқат комитети бўйича ижроқўмдаги фаолияти орқали билишини, миллий руҳда бўлганлиги, лекин террористик гуруҳи аъзолигидан бехабарлигини айтади.

Лекин шунга қарамасдан, 1958 йил 16 августда Ўзбекистон ССР прокурорининг ёрдамчиси, III класс давлат адлия маслаҳатчиси П.Копейконинг "Тасдиқдайман" деган имзоси билан рад жавобини оладилар.

Ва ниҳоят ота қамоқдаги вафотидан сўнг 52 йил ўтгач, 90-йиллар охирларида СССР тарқала бошлагач оқланиб, расман бўлса-да рўшноликка чиқади. Расмий ҳужжатда отанинг оқланганлигини ҳақида шундай ёзилган эди: "По заявлению сына Дадаходжаев Х — Хусанходжаева Зухура о пересмотре дело его отца и сообщении о его судьбе, следственном отделом КГБ при СМ УзССР в первой половине 1958 г. проводились дополнительные проверки об участи в националистических организаций "Миллий иттиҳод" и проведенный антисоветской деятельности

ПОСТАНОВИЛ:

1. Отменить, как необоснованное материалами уголовного дело постановление УГБ НКВД УзССР от 19.09.1938 г. о прекращении уголовного дело по обвинению Дадаходжаева Хусанходжи по ст.66, 67 УК УзССР за смертю.

2. Уголовного дело по обвинению Дадаходжаева Хусанходжа в пр. ст. 60, 67 УК УзССР производством прекратить по основаниям п 2. Ст. 5, УПК УзССР за отсутсвием в деянии состава преступления. Помощник прокурора УзССР Н.Кузнецов. "Согласен": старший помощник пркурора УзССР, старший советник юстиции: Т.К.Дерень".

Лекин Ҳусанхўжа ота Дадахўжаевнинг ҳам, унинг ўғиллари Имомхон ва Саид Аҳмад акаларнинг ҳам ҳақиқий оқланишлари фақат Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейингина бўлди. Отанинг кенжа ўғли бўлган Саидаҳмад ака Ҳусанхўжаев бугун кекса ёшда бўлишига қарамай машҳур ва атоқли адиб сифатида элу юртнинг олдида отанинг шонли ишларини давом эттирмоқда. У Ўзбекистон Қаҳрамони.

Олов — дўст, олов — душман

Оловнинг кундалик эҳтиёжимиз учун нечоғли зарур восита эканлиги барчамизга бирдек аён. Ундан нотўғри ва эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида қандай фожеалар келиб чиқишини ҳам билмайдиган, англамайдиган одам топилмаса керак. Бироқ...

ЎТ БИЛАН ЎЙНАШИБ БЎЛМАЙДИ

Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида пойтахтимизда содир бўлган ёнғин оқибатида 11 нафар инсон ҳаётдан бевақт кўз юмган, 17 киши жиддий тан жароҳати олган. Етказилган моддий зарар миқдори эса 6 миллион 77 минг 299 сўмни ташкил этади. 402 та хонадондаги ёнғин болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, носоз электр тармоқларини ишлатиш, газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юз берган.

Мана юртимизда ёз мавсуми ҳам охирлашиб бораяпти. Бу пайтда иқлимнинг иссиқлиги, ернинг намлик даражаси пасайиши боис заррадек чўғдан ҳам қуриган ўт-ўланлар, хас-хашаклар, шох-шаббалар ўт олиб кетиши мумкин. Бироқ биз кўча-хиёбонларни тозалаш чоғида ана шундай хазонларни, чиқиндиларни тўплаб ёқиб юборишни маъқул кўрамиз. Бунинг оқибатида аввало экологияга жиддий хавф туғилади. Қолаверса, шамол эсиши оқибатида олов бошқа ҳудудларга ҳам ўтиб кетиши мумкин. Масалан, ёз фаслининг ўтган икки ойи давомида Тошкент шаҳрида 200 та ёнғин ҳолати айнан хазонлар, чиқиндилар ёқилиши туфайли юзага келган.

Ҳа, олов билан муносабатда бўлишда лоқайдликка, эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда халқимизнинг ажойиб мақолини эслаш кифоя: ўт билан ўйнашиб бўлмайди.

Баҳодир ШОЮНУСОВ,
Тошкент шаҳридаги 12-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори, катта лейтенант.

Тошкент вилояти

КАМАР ҚИШЛОҒИДАГИ БАХТЛИ ОИЛА

Оҳангарон туманидаги Камар қишлоғига йўлингиз тушса, сизга дуч келган ҳар уч кишидан иккитаси Турғунбой ака Раҳмоновнинг шогирди бўлиб чиқади. У инсон узоқ йиллар педагогик фаолият билан машғул бўлди. Фаолиятини тумандаги 40-мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик бир неча йил 40-, 29-мактабларда директор лавозимларида ишлади.

Турғунбой ака Раҳмонов 1994 йили нафақага чиқди. Пиру бадавлат отахон билан учрашиб суҳбатлашарканмиз кўпни кўрган бу инсоннинг босиб ўтган умр довонлари кўпчиликка ибрат бўлишига ишонч ҳосил қилдик. Хайрлаша туриб Турғунбой ака мийиғида кулиб, бизни тўйга таклиф этди.

Кейин билсак, ҳақиқатан ҳам бу "олтин тўй" экан. Турғунбой ака умр йўлдоши Бўстон ая билан турмуш қурганларига роппа-роса эллик йил тўлибди. Бўстон ая ҳам кўп йиллар кутубхона мудираси, ўқитувчи сифатида ёшларга зиё тарқатиб, Турғун аканинг ёнида туриб тўққиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Бу бахтиёр оиланинг турмуши ҳамқишлоқларида ҳавас уйғотади. Йигирма олти нафар невара, уч нафар чеваранинг суюкли буви ва буваси бўлиш — ҳар бир ўзбек оиласининг энг ардоқли орзуси, албатта.

— Турғунбой Раҳмонов оиласи барчамиз учун ибрат, — дейди Оҳангарон тумани Камар қишлоғидаги Қизилой фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Рустамов. — Бу оилада тарбия топган фарзандларнинг барчаси олий маълумотли, эл-юрт ишига камарбаста.

Нурмамат АЛМУРОДОВ

СУРАТДА: *Турғунбой ака турмуш ўртоғи Бўстон ая билан.*

Тилсимли тарих

ТОҒ ДАРАСИ ВА ТЕМИР ДАРВОЗАЛАР

Дара — кўпинча тоғларда қаттиқ туб жинсларни дарё суви ювиши натижасида ҳосил бўладиган тор ва чуқур сойликлар ва водийлардан иборат бўлади. Мутахассис геолог олимлар ва географларнинг маълумотларига кўра, баъзан дара ер юзи ёрилганда тектоник йўл билан ҳам вужудга келиши мумкин экан. Молгузар ва Нурота тоғлари орасидаги тоғ йўлаги, Жиззах вилояти ҳудудидаги Сангзор дарёсининг қадимий дараси ҳам эҳтимол табиий ҳаракатлар дарё сувини ювиши натижасида ҳосил бўлгандир.

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳудудида жойлашган Дарбанд қишлоғидаги Бўзғалахон дарасининг пайдо бўлиши ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бўзғала — Бойсун тоғларидаги тор дара, Шаҳрисабз билан Термиз оралиғида, гранит ва порфирдан тузилган. Даранинг узунлиги қарийб 3 километр, эни 12-20 метр. Мана шу дара орқали эгри-бугри йўлдан ўтиш ҳар бир киши учун жуда қийин, машаққатли ва хавфли бўлган, бошқа жойдан ўтиш учун эса йўл бўлмаган. Тарихий Дарбанд дарасидан 1875 йилда ўтган рус зобити, элшунос Николай Маев дара йўлини мана бундай таърифлайди: "Бу жой ниҳоятда қўрқинчли ва даҳшатли, биз бу ердан анча қийналиб зўрға ўтиб олдик. Ўтаётганимизда тоғ худди устимизга тушаётгандай туюлди. Тоғ икки томонидан тик кўтарилган баланд девордай, унинг ранги эса темирга ўхшайди".

Дарбанд аслида қадимий қишлоқ бўлган. У тожикча дар — эшик, банд — ёпиқ (ёпиқ эшик) деган маънони билдиради. Бу билан қишлоқ яқинидаги қадимдан маълум ва машҳур бўлган темир дарвозанинг ёпиқлиги ҳамда уни мустаҳкамлигига ишора қилинган.

"Дарбанд" ўрта асрларда кенг тарқалган жуғрофий атама бўлиб, чегарада жойлашган дарвоза, тўсиқ ёки қалъа маъносини англатади. Унда Дарбанд қишлоғидан бошлаб, Бўзғалахон дарасигача бўлган 10-12 километрлик масофада жойлашган табиий ва сунъий тўсиқлик мажмуаси кўзда тутилган. Бир вақтлар дарада тоғ эчкиси, кийиклар яшаганлиги туфайли бу жойни Бўзғалахона ҳам деб атаганлар.

Дарбанд ва темир дарвоза атамаларининг келиб чиқиши ва маъноси бир хил. Кавказ тоғларида, жумладан, Доғистонда ҳам темир дарвоза дараси бўлиб, унинг ёнида қадимдан Дарбанд шаҳри бўлганлиги тарихий манбаларда қайд қилиб ўтилган. Қадимий туркий битикларга кўра темир дарвоза VI асрда туркий халқлар яшайдиган ерларнинг жанубидаги чегараси бўлган.

Хўш, шундай экан нега энди темир дарвоза деб юритилган?

Темир дарвоза ҳамда унинг деворлари ҳақидаги илмий ёзма манбалар милодий VII асрларнинг бошларига тўғри келади. Жумладан, хитойлик будда ташвиқотчиси ва сайёҳи Сюань Цзяннинг хотираларида шундай маълумотларга дуч келамиз: "Бу ерда тоғ йўли жуда оғир ва қўрқинчли бўлиб, жанубий шарққа томон 300 ли (100 км) юриб биз Темир дарвозага етдик. У ўнг ва чап томондан баҳайбат тоғлар билан ўраб олинган. Йўл ниҳоятда тор ва ҳар икки томондан совуқ, темирсимон қоялар осилиб туради. Бу ерда темир билан қопланиб, қўнғироқлар осилган қўштовоқли дарвоза мавжуд. Шу туфайли ҳам бу жой Темир дарвоза деб номланади..."

1404 йили Дарбанд дарасидан ўтган испан элчиси Клавихо бу ерда Темир билан қопланган дарвоза ва қалъани кўрмаганлигини ўз кундалигида ёзиб қолдирган. IX аср тарихчиси ал-Яқубийнинг маълумотига кўра бу ерда Дарин Оҳанин номли шаҳар бўлган. Бу шаҳар темир дарвозадан чамаси 10 километр жануби-шарқда Дарбанд дарёси қирғоғидаги Дарбанд қишлоғининг ўрнида жойлашган бўлиши мумкин деб тахмин қилишади олимларимиз. Темир дарвоза фақат тор дара йўли устида қурилган дарвоза бўлмай, балки бутун катта иншоот мажмуидир. Буюк Ипак йўлидаги божхона — манзилгоҳ, икки тарихий маданий давлатларнинг чегараси ҳамдир. Дарвоза асосан 6,5 метр қалинликда бўлиб, унинг табиий бурилишларида бурж — миноралар жойлаштирилган. Ушбу миноралларнинг баландлиги 10 метр атрофида бўлиб, девордан ташқарига 4 метрча чиқиб турган. Қадимшунос олимларнинг тахминларига кўра деворга илк бор Юнон-Бактрия даврида, яъни милодгача III-II асрларда асос солинган.

Бойсун тоғ дараси орқали Суғд ва Бухоро томонга катта карвон йўли ўтгани учун у турли тарихий даврларда ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Манбаларнинг кўрсатишича, XIV аср охирида Темир дарвоза ёнида бир қишлоқ ва божхона бўлиб, у Темурийлар давлатига катта даромад келтирган. Бу ҳақда испан элчиси Клавихо шундай ёзади: "Ҳиндистондан Самарқанд ва Бухорога борувчи барча карвонлар фақат шу йўлдан ўтишлари мумкин. Темур учун айниқса иккита маскан сердаромад жой бўлган. Шулардан бири Дарбанддаги темир дарвоза бўлиб, у ердаги Кавказ тизма тоғларининг шарқий тармоқлари Каспийгача тушиб борган. Иккинчи шундай маскан Шаҳрисабздан чиққан отлиқ икки кунда етадиган масофа — Самарқанд билан Балх оралиғидаги тоғ тизмаларидан ўрин олган. Бу маскан ҳам Дарбанд темир дарвозаси деб аталар эди. Темур ана шу икки дарвоза оралиғидаги улкан ҳудуднинг эгасидир. Темур мазкур икки темир дарвозанинг ҳам Ҳиндистондан келадиган барча савдогарлардан олинадиган беҳисоб бож солиғи тушумларининг ҳам ягона эгасидир". Темир дарвоза ёнида Шарқ ва Жанубга борувчи карвон йўллари ва карвонсаройлар ҳам Темур ихтиёрида бўлган. Темир дарвоза атрофларида работ, карвонсарой, дўкон ва расталар қурилган, улар мустаҳкам девор билан ўраб олинган ва қаттиқ қўриқлаб турилган.

Хулоса қилиб айтганда, Дарбанд дарасидан 1404 йилда ўтган испан элчиси Клавихо бу тарихий жой билан таниш бўлиб, уни ўз кундалигида қисқача таърифлаган. 1875 йили ҳарбий элшунос Н.Маев дара ва унинг атрофларини, бу ерлик аҳолининг хўжалиги, турмуш тарзи, урф-одатларини, уй-рўзғор ва тирикчилик шароитларини ўрганган ва бу ҳақда газета ва журналларда эълон қилган. Кейинроқ, 1920 йилларда ўлкашунос Г.В.Парфеонов, шарқшунос олим В.Бартольд, 1970-1990 йилларда қадимшунос олимлар Т.Аннаев, Э.В.Ртвеладзе, Ш.А.Раҳмонов, А.Бобохўжаев, Г.А.Пугаченкова, Ш.Камолиддинов ҳамда франциялик олим доктор Клод Рапен ва бошқалар Сурхондарё водийси тарихи, обидалари, айниқса Дарбанд дараси, дарвоза ва қалъа-қўрғони тарихини пухта ўрганиб, қимматбаҳо тарихий материаллар тўплаб, илмий асарлар, китоблар, альбомлар яратдилар. Буларнинг ҳаммаси юртимиз тарихи, айниқса жанубий воҳамизнинг ўтмиш тарихини ўрганишда қимматли манбаа ҳисобланади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Истиқлол ислоҳотлари

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш бу ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шубҳасиз, қонун устуворлиги демократия ривожи учун кенг имкониятлар яратади. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари учун деган юксак юя мужассамлашган.

Таъкидлаш жоизки, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ечимини топиши лозим бўлган айрим муаммолар учраши табиий. Ўз навбатида давлат барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг йўналтирувчиси ва бошқарувчиси сифатида ҳар қандай муаммо ва тўсиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни изчил амалга оширишга қодир.

Инчунун, 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни фикримизнинг ёрқин исботидир. Суд қарори ижроси билангина кучли. Мазкур қонун суд қарорлари ижросини таъминлаш ва уни ўз вақтида ижро этилиши борасида энг муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонун адолат тарозусининг мезонини ушлаб турадиган куч сифатида ҳамиша фаолиятимизни йўналтириб туради. Масалан, биргина фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан меҳнат низолари, жумладан, иш ҳақларини ундириш тўғрисидаги низолар мазмунан кўрилиб, ўз ечимини топиб келмоқда. Шу ўринда суд қарори ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатларининг асл моҳияти нимада, деган савол туғилиши табиий. Даъвогарнинг даъво аризасида кўрсатилган даъво талабларининг асосли ёки асоссиз эканлиги суд муҳокамасида кўриб чиқилади, агар суд томонидан даъво талаблари асосли деб топилса, қаноатлантирилади ва қонунда белгиланган муддат ичида унинг ижросини таъминлаш учун ижрога қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 16-моддасида суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг мажбурийлиги ҳақида шундай дейилади: **"Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудида ижро этилиши лозим".**

Мазкур Кодекснинг 370-моддасида: **"Қонуний кучга кирган суд қарорлари барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади"**, деб белгилаб берилган.

Бир сўз билан айтганда, Суд қарорлари ижроси мезонида турган ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шартлари — жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, адолат тарозусини тенг тутиш, барчанинг Қонун олдида тенглигини кафолатлаш туради. Бу тамойилни бузиш, нописанд қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, мамлакатимизда Қонун устуворлигининг юксак мақомлари замирида ҳам ана шу мақсад ётади.

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида" ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларга имзо чекди. Бу ҳужжатлар мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бу икки муҳим фармонлар ижроси келажакда ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

Олим СУЮНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Ғузор туманлараро суди судьяси.

Утерянную круглую печать и угловой штамп в ЗАО "Тошқурилишматериаллари ЛИТИ" М.Улугбекского. р-на считать недействительным.

Свидетельство о 9-клас. образовании № А. 512004 выдан. 20.06.1996 г. школой 175 Мирабадского р-н г.Ташкента на имя Глухова Александра Николаевича считать недействительным.

Утерянный аттестат о среднем образовании выданный в г. городе Петропавловск-Камчатский в 1994 г. школой 17 на имя Самсоновой Анастасии Юрьевны считать не действительным.

ДП "Обод-ривож" реорганизуется в ООО "OBOD-RIVOJ" Притензии принимаются в течении 10 дней со дня публикации по тел: 1882170.

ДП "Теххизматservis" реорганизуется в ООО "Texxizmatservis". Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации по адресу: г. Ташкент, ул. Абая, 4-А. Тел: 144-51-22.

Тошкент политехникуми томонидан 1971 йилда Зайнутдинова Муаззам Миржалаловна номига берилган Ц 419470 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор хисобланади.**

ЗАО "Тошқурилишматериаллари ЛИТИ" сообщает своим акционерам о проведении внеочереднего общего сообрания акционеров 23 сенября в 10.00 часов в здании института по адресу ул. Пушкина дом 66.
Дата составления реестра акционеров определена до 13 сентября 2005 года.
Повестка дня: Избрание нового состава наблюдательного совета.
Акционер Арипов Р.Х.

"OQ NIYAT SAVDO" хусусий корхонаси "OQ NIYAT SAVDO" Масъулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда.
Мурожаат учун манзил: Қоратош кўчаси, 22-уй, 6-хона.

МУҲАББАТ ТАЛИСМАНИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айни кунларда бирор қарорларни қабул қилишда таваккал қилишингиз мумкин. Шундагина бирон бир натижага эришасиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафта давомидаги режаларингизни амалга оширишни истасангиз, ишқий танишув ва учрашувларга бефарқроқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Янги маълумотларни қабул қилишда шошма-шошарликка йўл қўйманг, шунда турли келишмовчиликларнинг олдини олган бўласиз.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ушбу ҳафта мобайнида шахсий ҳаётингизда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун яхши имконият туғилиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Режа ва мақсадларингизни амалга ошириш учун энг аввало ўзингизга бўлган талабчанлигингизни оширишингиз керак.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ҳаётдаги "қоқилиш"лардан кўнглингизни чўктирмаган ҳолда олға босинг. Кутилмаганда мадад келиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Муҳим бўлган ишларни яқинлар билан бамаслаҳат бажарганингиз маъқул. Иш орасида дам олишни ҳам унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафта давомидаги қатъиятли хатти-ҳаракатларингиз келажакдаги ишларингизда яхши самара бериши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ваъдабозлик обрўингизга салбий таъсир қилишини унутмаган ҳолда иш юритинг. Айни пайтда ўта ишонувчан бўлманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунларда турли сабабларга кўра йиғилиб қолган муаммолар ўз ечимини топиши мумкин. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Яқин кунларда турли музокараларда сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Шундай экан, хатога йўл қўймасликка интилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Оилангиз ёки яқинларингиз орасида туғилган муаммолар осонликча ўз ечимини топади. Моддий рағбат кўришингиз ҳам эҳтимол.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7008 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724 Топширилди –
1 3 4 5 6